

# Тоннеллаштириш - ахборот ҳимоясининг зарур ечими

**Тоннеллаштириш бугунги кунда ахборотни ҳимоя қилишининг энг зарур ечими сифатида ахборот технологиялари ва коммуникацияси соҳасига кириб келмоқда.**

Бу усулнинг қулайликлари шундаки, бир ахборот А шаҳардан Б шаҳарга шикастсиз етказиб берилади. Ҳар хил ахборот хавфсизлиги таъминланиб, қароқчиликка, яъни хакерларнинг ахборотни бузишларига, ўғирлашларига йўл қўйилмайди.

Тоннеллаштириш пакетларнинг тармоқни кесиб ўтказишида хавфсиз ва ишончли харакатини таъминлаш услубидир. Тоннеллаштириш пакетларни ўз ичидаги сақлаган ҳолда, худди IP харакат йўли орқали ATM тармоғига уланиш каби, ўхаш протоколларнинг бир вактнинг ўзида ягона алоқа канали оқимида бўлиши учун имкон беради.

Ундан ташқари, тоннеллаштириш муҳим шифрлаш мезонларини ва ахборотни сикиш орқали, хавфсизлик ва ишончлиликни таъминлайди.

Бунга энг яхши мисол тариқасида, VPN(virtual private network) усулини тоннеллаштириш ёрдамида умумий (жамоа) орқали виртуал щахсий тармоқка ула-

нишни келтириш мумкин.

Айтайлик, бирор компаниянинг бир канча филиаллари бўлиб, компания умумий Internet тармоғи орқали турли ерда жойлашган филиалларни бир тармоқка улашни кўзда тутаяти. Бунда тармоқка рухсатсиз таъсир кўрсатишдан саклаш мақсадида, 2 худудий тармоқни боғлашда VPN усулидан фойдаланилади. Шунда тармоқлар ўзаро рутер (маршрутизатор)лар орқали боғланади.

Бундай шифрланган пакетлар тармоғига ташқи рутер томонидан таъсир кўрсатиб бўлмайди. Улардан рутер манзиллар кўрилади, холос. Шунинг учун бу курилма интернет тармоғида индивид тармоқ тоннели хавфсизлигини таъминлаб, хавфсиз ва рухсатсиз аралашувлардан асрайди.

Техник воситаларнинг арzonлиги, хавфсизлиги хамда қўлланишининг осонлиги билан, интернет билан комбинациялашган ҳолда келажакда жуда кенг қўлланилади. Умумий интернет тармоғи бўйлаб хавфсиз тармоқни барпо этишда VPN, IP хавфсизлик хамда тоннеллар асосий ўрин эгаллайди.

**Дилмурод РАСУЛОВ,  
Ботирали ЖУМАЕВ.**

